

ШАРТНОМА ШАКЛИ

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 50810P.

Когон шаҳар

“12” « 08. » 2022 йил

“**ORAKAL**“ МЧЖ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Х.Х. Равшанов номидан, бир томондан ва “**БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ**” У.К, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи А.Ю.Эргашев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани энг яхши таклифларни танлаш асосида (ЛОТ № 22120012110905) куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га “Бухоро минтақавий темир йўл узели” У.К қарашли бекатларга жалюзи пардаларини ўрнатиш хизматлари (жалюзи пардалари ҳамда жалюзини ўрнатишда ишлатиладиган материаллар етказиб берувчи томонидан) хизматларини кўрсатади. (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади), “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган техник топшириққа келтирилади.

1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) кунда амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилмаслиги;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманоммага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган хизматларни талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “хизматлар” такдим этилганда такдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “хизматлар”-га алмаштирилиши;
- камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

3589 23 0822
192132537.84

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда «**БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ**» У.К маблағлар доирасида «Бажарувчи» билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича тақдим қилинган хизматларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун 2022 йил мобайнида ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ тақдим қилинган хизматларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» «**БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ**» У.К билан тузган шартномаси руйхатдан ўтказилгандан сўнг «хизматлар»ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 192 132 537,84 (ҚҚС билан) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб фактураси имзолангандан кейин «Хизматлар» туркуми суммасининг 2022 йил мобайнида тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисоб фактура тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампда кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома, ҳисоб фактура бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «28» 08 дан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК

МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК ЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

“ORAKAL” МЧЖ

(ижрочининг номи)

Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳар Навоий

Тел./факс: 972285555

Х/р : 2020 8000 5054 7785 6001

Банк номи: НАВОИЙ Ш.,

"УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ НАВОИЙ
МИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ

МФО: 00207

СТИРи:309189446

ОКОНХ 19400

Раҳбар :

(имзо)

М.Ў.



« Буюртмачи »

““БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ
УЗЕЛИ” У.К

Манзил: Бухоро вилоят Когон шаҳар Зебинисо
кўчаси 2 уй

Тел./факс +99852-4-68-18

/х.в 2021 0000 9042 2582 4001

СТИРи 204 293 127

ОКОНХ 49200

Банк номи “ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ” А.Ж

Миробод филиали

МФО 00875

Раҳбар

(имзо)

А.Ю. Эргашев



2022 йил “ _____ ” _____
_____ -сон шартномага _____ -
илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Ҳукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

Буюртмачи:



“ORAKAL” МЧЖ

/Равшнов Х.Х./



“БУХОРО МТУ” У.К

Эргашев А.Ю./